

ф.ф.д., проф. А. Маннонов

АФҒОН (ПАШТУН) ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Маълумки, мақол қисқа, лўнда, ихчам фикрли, тугалланган маъно ва мазмунга, турғун образли хусусиятларга эга бўлган, халқнинг қуйма, фалсафий мушоҳадаси, юмори, туриш-турмуши, расм-русуми, урф-одатлари, ақл-заковатидан, тажрибасидан келиб чиққан умумлашма, ҳозиржавоб, сўз ўйини, ҳикматини акс эттирувчи, исботловчи, далилловчи, оқилона, содда, аммо қатъий айтилган доноликни намоён қилувчи насихатомуз, ибратли жумладир. Мақоллар аксарият ҳолларда асл маънодан кўра кўчма, мажозий маъноларда ишлатиладиган маъқулловчи ёки рад этувчи, кинояларга бой ҳикматли сўз бирикмалари ёки жумлалардан таркиб топган бўлиб, улар асосида биринчи навбатда қиёслаш, қарама-қарши қўйиш ёки ўхшатма (аналогия) принциплари ётади.

Албатта, бу хусусиятлар афғон (паштун) мақолларининг умумий хусусиятлари бўлиб, улар қайси тилда бўлишидан қатъий назар, барчасига тегишлидир. Бу хусусиятлар паштун халқи орасида мавжуд бўлган мақолларга ҳам оиддир.

Мақоллар паштун халқи фольклорининг энг қадимий, узоқ тарихга эга бўлган оммавий турларидандир.

Афғонларга хос бўлган одат – улар қайсидир анжуманларда, суҳбатлар чоғида ёки Жирга (جرگه – йиғилиш, парламент мажлиси) вақтида баҳс, маърузалар, ваъзлар чоғи, албатта, бирор бир шоирнинг шеърдан, хусусан, мақол ва маталлардан мисол келтириш ва шу билан ўз нутқларини безаш ва гапларини уқтиришни яхши кўрадилар.

Паштунлар орасида мақолларнинг икки тури, яъни насрий ёки сажланган ва қофияли шеърини шакллари мавжуд. Аммо фольклор-шунослар мақолларни, одатда, оғзаки ижодиёт намуналари тўпламларида насрий турлар қаторига жойлаштирадилар.

Гарчи паштун халқи мақоллари ҳақида кенг кўламли, махсус тадқиқотлар ҳозирча йўқ бўлсада, лекин юқорида кўрсатиб ўтилганидек, уларни тўплаб чоп этишда анчайин ишлар амалга оширилган.

Паштунларнинг мақолларини тўплаб нашр этишда илк қадам қўйган олим ҳам айнан Муҳаммад Гул Нурий эди. Унинг 1948 (1327 ҳижрий) йилда Кобулда чоп этилган “Мақоллар” (“Маталуна”)¹ номли тўпламида пашту тилида яратилган 1910 та мақол ва маталлар жамланган эди. Умуман олганда, ҳозиргача Афғонистон, Покистон, Европа фольклоршунослари Жеймс Дармстетер, Нур Муҳаммад Таракий, Аминулло Змарёлай, Абдурауф Бенаво, Иноятулла Шаҳроний, Миёжон Апридий, Мўътамад Шинворай, Муҳаммад Шафиқ Виждон, Сиёл Кокар, Жорж Гелбертсон, Савлатшоҳ Мерганов, К. А. Лебедев ва бошқалар томонидан тўплаб нашр эттирган пашту тилидаги мақолларнинг умумий сони қайтариқларини ҳисобга олмаганда, тўр мингдан ортиқроқдир. Аммо, олимларнинг тахминига кўра турли-туман афғон қабилалари орасида “юрған” мақол ва маталларнинг сони бир неча ўн мингдан зиёддир.

Афғон мақолларининг бизгача етиб келган баъзи намуналари уларни пашту ёзма адабиётининг илк қадамларидан анча илгари пайдо бўлганлигидан дарак беради. Кўпинча шу масалага оид қуйидаги мақолни мисол тариқасида келтирадилар:

(*Ора, ора йум нәр зора*) (*آره آره يوم په غاره*)

Ушбу мақолни дастлаб М. Г. Нурий Қандаҳор аҳолисидан ёзиб олиб, юқорида зикр этилган мақолалар тўпламига кирган эди². Лекин унинг дастлабки шарҳини профессор Абдулхай Ҳабибий “Афғон адабиёти тарихи”³ асарида паштунларнинг ва пашту тилининг келиб чиқишига бағишланган фаслида беради ва унинг изоҳи кейинги барча тадқиқотларда қайтарилади.

Гап шундаки, мақолдаги “Ора, ора” сўзи олимларнинг эътирофи бўйича “Орин”, “Ориёно” сўзларининг негизи бўлган “Ор” сўзидан ташкил топган бўлиб, бу сўз қадимги орийлар тилида икки маънони англатади: биринчиси, “асл”, “аслзода”, “шариф” маъноларида келса, иккинчиси, “деҳқончилик”, “деҳқон”, “зироаткор” маъноларида иш-

¹ Қаранг: نوری، محمد گل، متلونه، پښتو ټولنه، کابل ۱۳۶۷ هـ کال.

² М. Г. Нурий. Ўша асар. 30 бет.

³ حبیبی، عبدالحی، دښتو ادبیاتو تاریخ، لومړی ټوک، دریم چاپ، کابل پوهنتون، ۱۳۵۴ هـ کال، ۳۰-۳۳ مخونه.

латилиб келган. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги қадимги пашту мақолини “Асл деҳқон – елкасида белкураги билан деҳқон”, деб таржима қилиш мумкин.

Албатта, асрлар ўтиши билан кўпгина мақоллар бизгача етиб келмагани табиий. Аммо уларнинг намуналарини қадимги халқ эртакларидан ҳамда ўрта асрлар паштун шоирлари, хусусан, XVI асрлардан кейин ижод қилган шоирлар ижодида кўплаб учратишимиз мумкин. Масалан, XVI асрда пашту ёзма адабиётининг вужудга келиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган равшанийлар адабий мактаби вакиллари: Мулла Арзоний, Мирзахон Ансорий, Давлат Лавоний, Али Муҳаммад Мухлис ва бошқаларнинг шеъриятида уларнинг ҳикматомуз мазмунини бойитиш, образлилиги, таъсирчанлилигини, халқчиллигини, эса сақлаб қолинишини кучайтириш мақсадида қўлланган кўплаб халқ мақолларини ўқиш мумкин. Лекин мумтоз пашту адабиётида, бизнинг назаримизда, XVI–XVII асрларнинг буюк шоирлари Хушқолхон Хатак (خوشحال خان خټک) (1613–1691) ва Абдурахмон Мўманд – Раҳмон бобонинг (رحمان بابا) (1631-1705) шеъриятида учрайдиган нафақат халқ иборалари, сўз ўйинлари, афоризм, балки халқ мақоллари ва маталларининг сони-саноғи ва бадиий ишлови нуқтаи назаридан ҳам тенгсиз ҳисобланади.

Хушқолхон Хатак шеъриятининг, фалсафий асарларининг деярли барча турларида нафақат халқ оғзаки ижодиётининг у ёки бу тарздаги таъсирини кўрамиз. Шоирнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини чуқур ўзлаштирганини ва улардан маҳорат билан кенг фойдаланганлигини, хусусан, мақолларни ўз ижодий лабораториясига олиб кириш билан бирга уларга қайта бадиий ишлов бериб, ёзма адабиётнинг юксак афористик намуналарига айлантиргани ҳам маълум.⁴

Шоир шеъриятида халқ мақолларига асосланган ҳаётий-фалсафий, донишмандона юзлаб байтларни учратамиз. Уларда шоир бадиий сўз санъатларининг кенг тарқалган “ирсол ул-масал”, “талмех” каби ишора

⁴ Хушқолхон Хатак ижодида фольклорнинг ўрни ҳақида Покистонлик олим Довудхон Довуд тамонидан 2002 йилда “Хушқол ва фольклор” номли рисола эълон қилинган бўлиб, унда Хушқол шеъриятида мақолларнинг ишлатилиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. (Қаранг: داورخان داود، خوشحال او فلکاور، پشتو اکيډيمى، پيښور يونيورستى، پيښور، ۲۰۰۲ ع)

турларини моҳирона ишлатиш, қайта ишлаш, бадий сайқаллаш орқали уларнинг маъносини янада серқирра, серқатламлик даражасига етказган ёки тўғридан-тўғри “ўзлаштирилган” мақолларни ўқиймиз. Қуйидаги байтларида⁵ Хушқол “талмеҳ” санъатини ишлатиб, у ёки бу мақолни эслатиш, унга ишора қилиш орқали айтмоқчи бўлган пандини қуйма сатрларда изҳор этади:

دا سړى خو په ادب سره سړى دى
چى ادب ورسره نه وى څاروى دى

*(Бу инсон адаби билан инсондир,
Агар бўлмаса унинг адаби, у бир ҳайвондир)*

نمر به گوته پټاوه نه شى خوشحاله
هيڅ منكر نه شى دخپلي عاشقى

*(Қуёшни бармоқ билан тўса олмайсан, эй Хушқол,
Ошиқлигингни ҳам рад қилиб кўрчи)*

هر څه چى و كړې هغه به رېبې
له خپله لاسه هره كرله شى

*(Ҳар нарсани экиш қўлингдан келади,
[Лекин] нимани эксанг, шуни ўрасан).*

Қуйидаги байтларда шоир “ирсол ул-масал” санъати орқали “гул хорсиз бўлмас” мақолига асосланади:

که هر څوئى لتوى پسې ئى غوارى
په دا باغ کښى به يو کل نه وى بى خاره

*(Кўнглинг истаганин ҳар қанча изласанг ҳам [билгил],
Бу боздан бирон бир гул топмассан тикансиз).*

Хушқолхон Хатак пушту тилида 1600дан зиёд рубоий қолдирган бўлиб, уларда ўзининг дунёкараши, фалсафий мушоҳадалари ва шоирона завқига мослаб кўплаб мақолларни келтиради. Шуни таъкидлаш лозимки, шоир у ёки бу мақолни келтириш жараёнида уларнинг бевосита халқ орасида қабул қилинган, учрайдиган шакли, вариантларини ўз шеърига ҳеч қачон тўғридан-тўғри киритмайди, балки уларни ўз фикрига мосланган, бадийлаштирилган, аммо мазмуни сақланиб қолган шаклларда ишлатади:

⁵ Ушбу тўртта байт юқорида эслатилган “Хушқол ва фольклор” рисоласининг 208-211 бетларидан олинди.

Тополмассан ҳеч бир атиргулни хорсиз, тиконсиз)⁸

Шуниси эътиборлики, Хушҳолхоннинг кўплаб донишмандона рубоийлари чуқур маъно-мазмундорлиги, содда образлилиги, қисқа, лўнда, аммо аниқ ифодалилиги билан халқ мақоллари, ҳикматлари каби афғонлар орасида машҳур бўлиб кетган ва оғиздан-оғизга ўтиб юради. Қуйидаги намуналар ана шу тоифадаги рубоийлардандир:

*Парвоз этса ҳам чўпу хас хасдур,
Шакар еса ҳам магас* магасдур.
Давлатманд бўлсун, донишманд бўлсун,
Ҳеч парво қилма, нокас нокасдур.*

Ёки:

*Яхши фарзанд эрур кўзга нур,
Кўзга нуру кўнгилга сурур,
Ёмон фарзанд оғриқ тиш эрур,
Оғриқ тишининг давоси анбур⁹.*

Ёки:

*Икки нарса керак вужуд учун, бил,
Биринчиси дилдир, иккинчиси тил.
Дилни сен меҳр ила шафқатга тўлдир,
Тилни ҳақиқатнинг ўткир тиги қил.*

*Дониш сўзим олиб, тилингни тийгил,
Жаҳлинг келса голиб, тилингни тийгил,
Жону жаҳон кетар, ҳам имон кетар,
Ёмон тилдан қолиб, тилингни тийгил¹⁰.*

XVII асрнинг буюк ғазалнавис шоири Абдурахмон (Раҳмон бобо) ҳам юзлаб шеърий мисралари, байтларида халқ мақолларини маҳорат билан шеър мазмунига сингдиради ва шу билан халқ тили, дилга яқин воситалар орқали ўзининг асарига жозибаторлик, фалсафиёналик, содда

⁸ Ўша асар, 232 бет.

* магас- чивин, пашша

⁹ Қаранг: (таржималар Ориф Усмоновники).

د خوشحال ختيك څلو يينيت پندونه، تو لوونكى: عارف عثمان، كابل، ۱۳۵۸ هـ كال، ۷۷، ۵۳، مخونه؛

¹⁰ Қаранг: Афғон шоирлари. Тошкент, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. 27–30 бетлар. (Бу уч рубоий таржимони – Эркин Воҳидов).

ифодалилиқ бахш этади. Қуйидаги мисраларда халқ мақоллари: “Меҳнатсиз роҳат йўқ”, “Меҳнат таги роҳат”, “Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади”, “Асл инсон аслигича қолади”, “Сўзи бошқа, дили бошқа”, “Ўтган умр оқар дарё – орқага қайтмайди”, “Бировнинг айбини топгунча, ўзининг айбинини бил”, “Инсоннинг тили ва амали бир бўлсин”, “Ҳунарсиздан худо безор” каби мақолларнинг ифодасини, тасвирини, изоҳини кўрамиз¹¹:

راحت بی محنته دی چا موندلی
دوصال خوینی د هجر په مقدار شی

*(Меҳнатсиз роҳатни ким топибди,
Висол онги хажр улушичадир).*

زهردی که قند دی هم په خپله خوله څرگند وی
نه مومی څوک خوند د بل د خولی له انگین

*(Заҳарли ёки ширин сўзинг ўз оғзингдандир,
Ҳеч ким бировнинг оғзидаги асл мазани сезмайди).*

تیر ساعت په مثال مری لحد دی
مړ چا نه دی ژوندی کړی په ژړا

*(Беҳуда ўтган вақт мисоли лаҳатда ётган мурда,
Мурдани ким қачон тирилтирибди, дод-фарёд билан?!).*

کلیمه په ژبه وائی
په زړه نه لری باور

(Тилида айтади, [аммо] дилида [ўзи ҳам] шионмайди).

سړی بویه چی درون بیرون یی یو وی
نه هغه چی بیرون زروی درون لاک

*(Чин инсонни, билинг, ичи ҳам таши ҳам бирдир,
Чин эмас инсонни – таши зар-ялтироқ, ичи қора бўёқ).*

دامات لوبنی اواز کله ثابت خیژی
دهر چا عمل څرگند په خپل گفتار شی

*(Овозидан маълум синган чиннининг,
Ҳар кимнинг амали унинг сўзидан дарак).*

¹¹ Раҳмон бобога тегишли барча мисоллар унинг 1354 йил (хижрий)да Кобулда чоп этилган девонидан олинди. (Қаранг: د رحمان بابا دیوان, مرتب او مهتم څړنپار محمد عارف غروال, پښتو ټولنه, کابل, ۱۳۵۶ هـ کال, ۲, ۲۳, ۶۱, ۸۲, ۱۴۶, ۲۰۰, ۲۲۹, ۲۳۵ مخونه.)

بی هنر دی چی خوک دین په دنیا پلور وی
هنرمند سری داهسی سودا نه کا

*(Хунарсиэ кимса динини ҳам сотар,
Хунармандга бу савдо ётдир).*

Шоирнинг “Агар қора юзинг душманинг бўлмаса”¹² (که سقاخپله سیاہ رویی نه وی دبنمنه), деб бошланадиган ғазали тўлиқ ғийбатчи, ҳасадгўй, бировнинг айбини қидириб, унинг устидан кулувчи, ёмон отлиқ қилувчи ғийбатчиликнинг ўзи катта айб эканлигини эътироф этмайдиган кимсани танқид остига олиб, “нима эксанг, шуни мевасини ейсан” каби мақол билан хулоса қилади:

هر رنگ تخم چی کری هغه به اخلی
خپله خپله میوه نیسی هر ه ونه

*(Нима уруг эксанг, шуни оласан,
Ҳар бир дарахт фақат ўзининг мевасини солади).*

Абдурахмон замонасида ва ундан кейинги даврларда яшаб ижод этган барча йирик шоирлар, шу жумладан, ҳозирги замон халқ оғзаки ижодидан, мақоллардан кенг фойдаланганлигига жуда мисоллар кўп ҳамда бу ёзма адабиёт ва фольклорнинг ўзаро таъсирлари масаласи алоҳида тадқиқотни тақозо этади.

* * *

Кўплаб чоп этилган паштун мақолларининг мавзу доираси ниҳоятда кенг. Уларда халқ ҳаёти, турмуш-тарзи, тажрибасининг турли соҳалари, хилма-хил томонлари ўз аксини топгандир.

Афғон халқи асрлар давомида ўз юрти, ватани тупроғини чет эл босқинчилари, душманларининг таловларидан сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш учун кўп йиллар давомида жанг-жадаллар олиб боргани тарихдан маълум. Шунинг учун ҳам уларнинг мақоллари орасида ватанпарварлик, жанговарлик, мардлик, ботирлик, ор-номус, душмандан ўч олиш билан фахрланиш ва шулар билан боғлиқ кўрқоқлик, эҳтиёткорлик, шармандалик, иснод каби мавзулар алоҳида ўринга эга. Қуйидаги мақолларга эътибор берайлик:¹³

¹² Ўша асар, 176 бет.

¹³ Пашту тилидаги мақоллар қуйидаги тўпламлардан олинди:
(a) ښتو متلونه، مهتمم: محمدین ژواک، ښتو تولنه، کابل، ۱۳۴۴ هـ کال، (1966 йил).

خپل و طنه گل و طنه

(Ўз ватанинг – гул ватанинг)

پښتون له غیرته ځان واورته اچوی

(Паштун шижоатидан ўзини ўтга отишга ҳам ҳозир)

پښتون سل کاله وروسته و ارواخيست ويل يی چي اوسى فى هم تلوارو کړ

(Паштун юз йилдан кейин ўч олса ҳам “мен шошмашошарлик қилибман”, дейди).

دزوى په ميرانه مور شوه د سره ځوانى

(Ўглининг мардонаворлиги онасини ёшартирди).

هر چا ته خپل وطن کشمير دى

(Ҳар кимга ўз ватани Каширди*).

توره په وینو سره بڼه خود دښمن په وینو

(Душман қонига бўялган қилич яхшидир).

سر مى لور دى چي بابا مى په لښکر دى

(Бошим осмондадир, чунки отам [ватан ҳимоясида] аскардир).

ميرو نه مری، نومونه ئي پاتيرى

(Қаҳрамонлар ҳалок бўларлар, номлари қолур).

دولت له اتفاقه پيدا کېرى

(Давлат – иттифоқлик маҳсулидир).

اول مړانه په سيالى وه اوس سپينانه په سيالى ده

(Илгари жасурлик номи учун беллашсалар, ҳозир беномуслик учун беллашадилар).

چي بر شى مړ شى

(Енгилаётганнинг мурдасини фарқи йўқ).

د بى غير ته زويه غير تى لورښه ده

(Бегайрат ўғилдан гайратли қиз яхши).

د ميره يا خرپ دى يا ترپ

(Мардга ё галаба ёки ўлим).

6) پښتو متلونه، چان او درى ژباړه د عبد الروف بينوا، انگریزی ژباړه د ع. شنواری، دولتی مطبعه، کابل، ۱۳۵۸ هـ کال، (۱۹۷۹ ییل)؛

7) Rohi Mataluna (روهي متلونه). Mohammad Nawaz Tair and Thomas C. Edwards, Pashto Academy, Peshawar University, Islamabad, 2006.

* “Кашмир” афғонлар наздида қадимдан энг сўлим, обод яшнаган диёр рамзи бўлган.

وخت چى بىرى شى، هرگيڭره زمىرى شى

(Ғалаба келди дегунча тулки зоти шерга айланади).

سر بايله وفا ساته

(Бошинг кетсин – вафо кетмасин).

توره سره بنه، خونه دورور په وينو

(Қонга бўялган қилич яхши, аммо акасининг қонидан эмас)

جنگ په تشى لاسى نه كيږى

(Қуролсиз қўл билан жанг қилиб бўлмайди).

Кўплаб паштун мақоллари меҳнатни, заҳматни, меҳнаткаш инсонни, саҳоватни, ростлик-тўғриликни улуғлайди, сабр-қаноатга, яхшиликка чорлайди:

په زحمت پسى راحت دى

(Меҳнат кетидан роҳат келади).

له بيکاره خدای بيزاره

(Бекорчидан худо безор).

بى کارى د بد بختى زانگو ده

(Бекорчилик – бахтсизлик беланчаги)

سخاوت کوه چى مخور شى

(Саҳоват қилсанг, ҳурмат топасан).

بنه عمل د لارى مل

(Яхшилик – умр йўлига йўлдошидир).

بنه کوه چى بد نه وینى

(Яхшилик қил – ёмонлик кўрмайсан).

بنه خوى به دى سلطان كرى بد خوى بدى په خان پورى حيران كرى

(Яхши хулқ сени подшоҳликка, ёмон хулқ – пушаймонликка олиб келади).

راست اوسه په لويه لار ناست اوسنه

(Тўғри яша – катта йўллар сенга очиқ).

صبر که تريخ دى ميوه ئى خوره دى

(Сабр [юки] гарчи оғир бўлса-да, меваси шириндир).

Шу билан бирга ёмонлик, дангасалик, кибр-ҳаво, ёлғончиликни қоралайди:

د کبر کاسه نسکو ره ده

(Кибр косаси – синган коса).

كبرجن د خدای دېنمن دی

(Кибрли – худонинг душмани).

لېت د دوبي سويړی غواړی، د ژمی پيناوی

(Дангаса ёзда – сояни, қишда офтобни қидиради).

د دروغو ته درېنتيا رنگ ورکول گران دی

(Ёлгонни ростлик ниқобида кўрсатиши мушукул).

بد زوی نه زوی

(Ёмон ўғил – ўғил эмас).

د درواغو منزل لند دی

(Ёлгоннинг манзили қисқа).

چه بد گززی بد به پورزی

(Ёмон юрсанг, ёмон йиқиласан).

چه بده غواړی په ده به واوړی

(Ёмонлик истасанг, ўзинг ёмонга айланасан).

بد سره چه بڼه كړی لكه خره ته چه واښه كړه

(Ёмонга яхшилик қилиши – эшакка ем бериши билан баробар).

ستی او نیستی سره تړلی وی

(Дангасалик билан камбағаллик ўзаро боғлиқ).

Халқ мақоллари ичида, бир томондан, оддий халқнинг оғир, фақирона ҳаёти, ижтимоий адолатсизлик, ноҳақлик, очлик, хор-зорлик, иккинчи томондан эса, давлатмандлик, бойлик, зўравонлик, тўқликка шўхлик каби кўринишлар қоралик, танқид қилиш мисоллари ҳам талайгина:

خوار كور له ديوالو معلومېړی

(Ғарибнинг кулбаси деворидан маълум).

د نیستی هر ساعت مرگ دی

(Йўқчиликнинг ҳар бир соати – ўлим билан баробар).

مور له وړی له حاله څه خبر دی

(Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ).

فقيره كوردې چيری؟ ويل هر چيری

(Эй фақир, уйинг қаерда? Деди: “Ҳар ерда”).

څوك وائی څه وخورم , څوك وایی په چایی وخورم

(Ким нимадир еярмиканман деса, кимдир кимни меҳмон қилсам дейди), яъни кимдир очликдан нима ейишни билмаса, бошқаси ўз бойлиги, мол-мулкани қаерга қўйишни билмайди.

ورى ته چا ويل خلور او خلور خو كپرى ويل يى اته بوڊى

(Очдан тўртни тўртга қўйса неча бўлади деб сўралса, саккизта нон, дейди).

ورى پيشو د زمرى سره جنگپرى

(Оч мушук шер билан ҳам жанг қилишга тайёр).

دخوارانو ديگ په صبر پخپرى

(Оч-ялангочларнинг қозони сабрда қайнайди).

دنيا ډبرپرى زره تتگپرى

(Бойлиги кўпайган сари зикналиги ортади).

غريب ته يوه گيرمستى پسرلى دى

(Ғарибнинг бир тўйгани – баҳорнинг нашидасидир).

د زورور لښته نه بور دى نه پيغور

(Зўравоннинг қамчини – на раҳми, на шафқатни билади).

Паштун халқи қадимдан кўчманчилик, чорва билан шуғулланиб келади. Ҳозирда ҳам аҳолисининг бир қисми кўчманчилик билан кун кечиради ва унинг ҳаётини от, туя, қўй, ит, эшак каби уй жониворларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мақоллари орасида ушбу жониворлар тимсолида яратилган, шу билан бирга йўлбарс, шер, шоқол, илон, фил, чаён, бўри, тулки каби ҳайвонлар номи билан боғлиқ юзлаб мақолларни учратиш мумкин: “Хўроз бўлмаса, тонг отганини билмас эканмизда!”, “Эшакни қанча урма, отга айланмайди”, “Туяга “ўтлаб тур” дейилса, бутун далани нес-нобуд қилади”, “Туядан сўрадилар: нега бўйнинг қийшиқ? Деди: ахир, қайси ерим тўғри?!”, “Каклик сайраб ўзини сотиб кўйди”, “Қуён кетидан югурган – ит, гўштини еган – хўжайин”, “Ит касал бўлса, шоқоллар томда ирғишлайди”, “Мушук худо йўлига сичқон овламайди”, “Эчкига шохнинг оғирлиги йўқ”, “Бўридан бўри туғилади”, “Қўй харом ўлса, қарз – бўйинга”, “Қишлоғим бой-бадавлат, аммо атрофда бўрилар ҳам кўп”, “Асов отга ҳар ерда жой кам”, “Йўлбарснинг ини суяксиз бўлмас”.

Илм ва маърифат, донишмандлик, оқиллик, қобиллик, билимдонлик ва шу билан бирга билимсизлик, жоҳиллик, саводсизлик ҳақидаги: “Донони сўзига кўра аниқлайдилар”, “Истеъдод – куёшнинг кўзидир”, “Ақлли олдинга юради, орқага назар солади”, “Ақл донога дўст тутинади”,

“Оқилга – ишора, ақлсизга – калтак”, “Ақлинг бўлмаса, ҳеч нарсанг йўқ”, “Ақл шундай нарсаки, уни қўл билан узатиб бўлмайди”, “Ақли камнинг уйида ҳамиша ғам”, “Жоҳилга икки марта салом бер”, “Ақлсиз жамол қидиради, ақлли – камол”, “Аҳмоқнинг юки доимо оғир”, “Бир кўзи кўр, иккинчисини қўли билан беркитади”, “Тугунни қўл билан ечиш мумкин бўлса, тишни нега ишлатасан” каби кўплаб мақоллар ҳам паштун халқи оғзидан тушмай келади.

Юқорида кўриб ўтилган паштун халқ мақолларининг мавзулари дарёдан бир томчидир. Чунки инсон ҳаётининг деярли барча соҳаларини қамраб олувчи бу мақолларнинг ҳар бирининг ўзи бир мавзу, бир воқеа, ҳатто фалсафий рисолага тенг ҳодисадир. Масалан, кузатишимизча, биргина “тил”, “инсон одоби”, “мардлик” каби мавзуларга кирувчи мақолларнинг ўзи юзлабдир. Шунинг учун биз қуйида паштун халқ мақолларининг мазмунидан келиб чиқиб, шартли равишда уларни фольклоршуносликда қабул қилинган қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин, деган хулосада тўхтаймиз:

- Бахт ва бахтсизлик, хурсандчилик ва душворлик, мусибат ва кулфат, розилик ва норозилик;
- Тажрибакорлик, тадбиркорлик, истеъдодлик, билим ва билимсизлик, жоҳиллик;
- Меҳмоннавозлик, исрофгарчилик, яхши хулқ ва одоб эгаси бўлиш;
- Севги ва муҳаббат, дўстлик ва душманлик, ростлик ва ёлғончилик;
- Соғлик ва бетоблик, ёшлик ва қарилик, тириклик ва ўлим;
- Фарзанд ва оила, аёл ва эркак, қариндош-уруғчилик, қўшничилик, ватан ва ватанпарварлик, сотқинлик ва душманлик;
- Бойлик ва камбағаллик, сахийлик ва ҳасислик, очкўзлик;
- Қаноат ва қаноатсизлик, тил билан дил бирлиги, яхши ва ёмон сўз, ваъда ва ваъдасизлик, муомала одоби;
- Меҳнат ва меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, уддабуронлик, дангасалик ва бекорчилк, ўтган умр;
- Инсон, инсонийлик муносабатлари;

- Ақллилик ва аҳмоқлик, камбағаллик ва бойлик, кадр-қиммат ва обрўсизлик, ҳакамдорлик;
- Адолат ва ҳақиқатгўйлик, камтарлик ва мақтанчоқлик, ёлғончилик ва айёрлик, алдоқчилик;
- Иззат-нафслилик, мардлик ва иродасизлик, фахр ва ифтихор, машҳурлик ва кўрқоқлик, эҳтиёткорлик;
- Тақдир, умидворлик, куч-қудрат ва заифлик, қатъиятсизлик;
- Яхшилик ва ёмонлик, кўролмаслик ва хайрихоҳлик, манфаатдорлик;
- Одат, кўникма, қилик, ўзбошимчалик, ўзиники ва бегоналик;
- Зарурият, эҳтиёж, имконият ва имкониятсизлик;
- Вақт, мезон, ҳисоб-китоб, кўп ва камлилик;
- Сабаб ва оқибат, сиртқи ва ички моҳият, кузатувчанлик;
- Панд-насиҳат, ўғит, маслаҳатли ва бемаслаҳат тадбир.

Ҳар бир халқ оғзаки ижодиётида бошқа халқларнинг оғзаки ижодига мансуб ўхшаш турлар ва мавзуларни кўплаб учратиш табиий ҳолдир. Паштун халқ мақоллари ҳам бу қоидадан истисно эмаслиги юқоридаги баъзи мисоллардан ҳам кўриниб турибди. Мақолларнинг бир-бирига ўхшаши ёки ўзаро таъсири, бир-бирини бойитиши жараёнлари, хусусан, бир мамлакатда яшаётган халқ ва элатларнинг фольклори яққол кузатилади. Ҳозирги Афғонистонда яшаётган дарийзабон ва ўзбекзабон халқларнинг кўплаб мақоллари орасидан бунга жуда кўп мисолларни олиш мумкин. Масалан, дарий тиллари кенг ишлатилган: “Асл жафо – надорад, кам асл – вафо (Асл инсон бировга жафо қилмайди, асл бўлмаган одам – вафосиздир), “Инсон аз гул када нозик, аз санг сахттар аст” (Инсон гулдан нозик, тошдан қаттиқдир) каби мақолларнинг паштун халқи мақоллари билан танишиш жараёнида юзлаб айнан ўхшаш ва яқин мисолларини ўзбек халқ мақоллари ичида ҳам учратдик. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

هر څه چي كرى هغه به ريبى

(Нима эксанг, шуни ўрасан).

د كور خبره دباندى مه كوه

(Уйдаги гапни кўчага чиқарма).

خدای وائی ته حرکت كوه زه به برکت كوم

(Худо айтади: ҳаракат қилсанг, мен баракотини бераман).

غر په غره نه ورځی ، سړی په سړی ورځی

(Тог тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади).

لور تاته وایم، نړورتہ یی واوره

(Қизим, сенга айтаман, келин эшитсин).

سپى غېبرى کاروان تېرىرى

(Ит ҳуради, карвон ўтаверади).

په يوه موزه كېنى دوه پېښې نه ځائېرى

(Бир этикка икки оёқ сиғмайди).

تر بيغقل دوست هوشيار دوشمن ښه دى

(Беақл дўстдан, ҳушёр душман яхшидир).

چى ملا وائى هغه كوه چى ملا كوى هغه مه كوه

(Мулланинг айтганини қил, қилганини эмас).

پنځه گوئى سره يو نه دى

(Бешта бармоқ баробар эмас).

په څاخكى څاخكى دند جورېرى

(Тома, тома кўл ҳосил бўлади).

په ز حمت پستى راحت دى

(Заҳматдан сўнг роҳат келади).

اورته خپل او پردى يو دى

(Оловга ўзиники ҳам, бошқаси ҳам бирдекдир).

ادب له بى ادبه زده كېرى

(Одоб беадабдан ўрганилади).

ارزان بى علتہ نه وى گران بى حكمتہ

(Арзон иллатсиз, қиммат ҳикматсиз бўлмас).

آسمان ليرى مخكه سخته

(Осмон узоқ, ер қаттиқ).

Паштун мақоллари бой ва хилма-хил мазмунга эга бўлиши билан бирга ўзига хос лўнда, жозибали тили ва бадий қирралари билан ҳам диққатга сазовордир. Асрлар давомида оғиздан-оғизга кўчиб, сайқал топган ва тугал, қуйма тарбиявий ҳикмат, панд-насиҳат даражасига етган мақолларнинг ҳар бири, асосан, икки бўлакли, аммо яхлитликни касб этган бир гапдан иборатдир. Шунинг учун ҳам уларда ҳодисани,

мавзунини қамровли тасвирлаш, имконидан кечиб, ихчам образлилик орқали мақсадга эришилади.

Аввало шуни айтиш керакки, мақолларнинг аксарияти турли шаклдаги кўчма маънога асосланади ва унда тилга олинган фикр умумлашган ҳолда бўлиши билан бирга, у жамиятнинг ҳар бир аъзосига тегишли бўлиши билан ҳам характерлидир. Зеро, бу унинг оғзаки адабиёт жанрига хос бўлган табиий ҳислатидир.

Паштун мақолларининг бир қисми, айтилганидек, қофияли ёки сажли бўлади ва баъзилари шеърларга хос вазнга ҳам эга. Шу билан бирга, ҳаммаси ҳам қофиядош ёки сажли мақоллар эмас. Аммо жумлалар чертиб-чертиб ишлатилиши ҳамда қофиядошлик уларга алоҳида оҳангдорлик бағишлайди ва бу, ўз навбатида, у ёки бу мақолни тез ёдлаб олиш, узоқ вақт эсда сақлаб қолишга замин яратади. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин:

Хпал амал дэ лārē мал

(Ўз амалинг – йўлингда йўлдош)¹⁴.

Ёки: *ғал ғал нежани ау мал мал*

(Ўғри ўғрини, дўст дўстни танийди).

Биринчи мақол бор-йўғи маъно ташувчи тўртта сўздан иборат. Аммо ҳаётини маъносини батафсил тавсифлаш учун бир неча варақ сарф бўлади. Мақолнинг ҳамма “юки”, унинг маъноси, жозибадор оҳангдорлиги, таъсирчанлиги, қисқа ва лўнда шакли унинг “амал” – “мал” каби тўқ қофиядош сўзларига тушмоқда ва уларнинг бирини тушиб қолиши ёки бошқа сўз билан алмаштирилиши мақол маъносини ҳам, жозибали оҳангдорлигини ҳам бутунлай ўзгартириб юборади.

Иккинчи мисолда тўқ қофияли сўзларнинг ҳар бирини икки бор такрорлаш (такрорлаш санъати), қайта таъкидлаш ва шу орқали икки образни бир-бирига мутлақо қарама-қарши кутбда эканлигини кўрсатиш орқали оз сўз билан айтимокчи бўлган фикр – панднинг кенг маъносини, таъсирчанлигини, оҳангдорлигини, жарангдорлигини таъминлашга эришилади.

¹⁴ Мақол ўзбекчадаги “Қилмиш – қидирмиш”, “Нима эксанг, шуни ўрасан” маъноларига эга.

Шуни таъкидлаш лозимки, паштун мақолларида учрайдиган қофияларнинг ҳаммаси ҳам “тўқ” қофия даражасида эмас. Уларнинг бир қисми қуйидаги мисолдаги каби тўлиқ бўлмаган, яъни “оч” қофиядошлик шаклида ҳамдир.

*Аввал зда крә, биийә кужда крә
(Аввал ўқи, сўнгра уйлан).*

Паштун халқи ўз мақолларининг образлилиги, таъсирчанлиги, қўймалигини таъминлашда қатор бадий тасвир воситаларини ишга солади. Улар орасида кенг қўлланиладигани мақолдаги гап бўлакларининг керакли жойга алмаштириш – инверсив шакли, шунингдек, киноя, қўчим, метафора, ташбеҳ – ўхшатиш, қиёслаш, ишора, тавталогия, синтактик паралелизм, талмеҳ, “Эзоп тили”, қарама-қарши қўйиш каби санъатлардир. Хусусан, мақолларда қуйидаги мисоллардаги каби киноя ва ўхшатиш санъатлари кўп учрайди:

ريره زما، واک ئي د ملا

(Соқол меники-ю, хўжсайини мулладир).

Бу мақолда Афғонистон шароитида мулланинг оддий инсонларнинг бўлар-бўлмасга ҳаётига, ишига аралашаверишига танбеҳ ва фатволар бераверишига киноя қилинмоқда:

آسان بي ناول چونگينو هم پيني پور ته كرى

(Отларга нагал қоқсалар, қурбақа ҳам оёқларини кўтариб турибди).

Мақолда бирор мустаҳақ-лойиқ одамни мукофотласалар, олқишласалар, четда турган нолойиқ одам лойиқ одамга ўзини тенг, у ҳам мукофотга сазовор, деб биладиганга киноя қилиняпти.

Содда ва мукаммал ўхшатиш санъати паштун мақолларида тўғридан-тўғри ёки “лэка” (-дек, каби, гўё, мисоли, худди), “ка” (агар, қайсики) каби кўмакчилар орқали ўз ўрнини топади. Мисоллар:

روند دوست او دېمن ته يوه سترگه گورى

(Кўр дўст душманни ажратмайди), яъни, оқ-қорани танимаган ёки тажрибасиз, ҳаётни билмайдиган одам кўрга ўхшайди.

که ته غرئى زه غوندى، که مارئى زه لندى

(Агар сен тоғ бўлсанг, мен – қоялик, агар сен илон бўлсанг, мен – ўқман), яъни “Сен шоҳида юрсанг, мен баргида юраман” маъносида.

Ёки:

لکه شیخ چلی د خپلی ناستی بناخ پریکوی

(Шайх Чили каби ўзи ўтирган шохни кесади).

Афғон халқ латифалари ҳикоятларида машҳур бўлган мулла Насриддин Пурдил, Барбал, Одамхон каби Шайх Чили номли персонаж жуда кўп ҳикматли латифаларда учрайди ва унинг образи содда, гоҳида лақмароқ, ишонувчанлиги туфайли ҳаёт коллизияларида ўз зарарига “ютқазиб” кўядиган персонаж сифатида тасвирланади. Келтирилган мақол куйидаги ҳикматли латифа билан боғлиқ: бир куни шайх Чили ўзи чиқиб ўтирган дарахт шохини кеса бошлайди. Шу ердан ўтиб кетаётган бир ўткинчи: “Шохни кесма, бўлмаса йиқилиб тушасан”, дейди. Шайх Чили унга қарата: “Сен кимсан? Башоратчимисан ҳамма нарсани биладиган?”, дебди. “Ҳа”, дебди ўткинчига жаҳл билан. Шайх Чили ишини давом эттириб, шохни яна биров кесган экан, ерга йиқилиб, бурни қонабди. Шунда у ўткинчининг кетидан югуриб бориб: “Сен ростдан ҳам авлиё бўлсанг керак, чунки менга тўғри гапни айтибсан. Энди айтчи, мен қачон ўламан?”, деб сўрабди. “Икки кундан кейин” деб истехзи билан айтилган жавобни эшитганидан сўнг у уйига бориб, хотинига кўзида ёш билан бўлган воқеани айтиб берибди. Демак, мақол мазмуни ўз вақтида берилган яхши, тўғри маслаҳатга бепарво бўлиш, уни қайсарларча ёки тушунмасдан инкор этиш ҳақида бўлиб, бу ҳикматга иккита бадий санъат: ўхшатиш ва талмеҳ санъати орқали эришилган.

Паштун мақолларининг тили, дарҳақиқат, халқ жонли тилининг ўзига хос қирраларини ўрганишда яхши материал беради. Бу ҳақида М. Г. Асланов, С. Мерганов, Дўст Муҳаммад Ширвоний¹⁵лар ўз изланишларида қисман тўхталиб ўтганлар. Жумладан, таниқли афғон олими Дўст Муҳаммад Дўст ўз халқи мақоллари тили ҳақида қисқа бўлса-да муҳим илмий мулоҳазаларини ёзиб қолдирган эди. Унинг кузатишича, мақоллардаги жумла тузилиши аксарият ҳолларда қабул қилинган норматив синтактик гап қурилмаларидан фарқ қилади, яъни

¹⁵ Қаранг: Асланов М. Г. Афганский фольклор и его изучение в СССР. Труды МИВ. – М., 1947. № 5. – С. 341–348; Мерганов С. Язык и поэтика афганских пословиц и фразеологизмов. Автореф. канд. филол. наук. – М., 1973;

دوست محمد دوست. د پښتو د اولسی ادب لاری، کابل، پښتو ټولنه، ۱۳۵۶ هـ کال، ۵۶-۶۱ مخونه.

мақолларда унинг таъсирчанлигини ва айтилмоқчи бўлган ҳикматни аниқ нишонга бориб тегиши учун сўз ўринлари алмашади, баъзида гапнинг эгаси ёки кесими тушиб қолади. Шунингдек, пашту тилининг турли лаҳжаларида учрайдиган баъзи мақоллар бошқа лаҳжалардан ёки адабий тилдагиси халқ мақоллари тилидан, шунингдек, лаҳжавий сўз элементлари ҳисобига фарқ қилишига оид бир неча мисоллар келтирилган. Бу олим мақолларнинг вариантлари ҳақида ҳам шунга ўхшаш қисқа мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

Айтиш лозимки, паштун халқ мақоллари тили, вариантчилиги масалаларини алоҳида ўрганиш масаласи ҳамон очиқ. Бунинг объектив, асосий сабабларидан бири ҳали ҳанузгача паштун мақолларининг адабий тилдаги мавжуд намуналари билан бир қаторда уларнинг лаҳжалардаги намуналари ҳамда юзлаб вариантлари тўлиқ, мажмуавий шаклда чоп этилмаганлигидир.

Умуман олганда, паштун мақоллари халқ ҳаёти фалсафасининг, маиший турмуш тажрибасининг, маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, улар оғзаки ижоднинг кенг тарқалган оммавий жанрига хос бўлган баъзи хусусиятлари ҳақидаги дастлабки мулоҳазалар шулардан иборатдир.